

Банк карталаридан фойдаланган ҳолда трансчегаравий пул маблағлари ўтказмаларини
хисобга тушириш мақсадларида хизмат кўрсатиш бўйича
ОММАВИЙ ОФЕРТА

Тошкент ш.

“_____” 2024 йил

Мазкур ҳужжат «Капиталбанк» акциядорлик тижорат банки (бундан кейин “Банк” деб аталувчи) номидан 2023 йил 01 августдаги 301-сонли Ишончномага асосан ҳаракат қилувчи Бошқарув Раисининг ўринбосари К. В. Тяннинг, жисмоний шахслар – Ўзбекистон Республикаси тижорат банки томонидан эсиссия қилинган банк (пластик) картасига эга бўлган “Капиталбанк” АТБ мижозларига (бундан кейин – “Мижоз”) банк карталаридан фойдаланган ҳолда трансчегаравий пул маблағлари ўтказмаларини хисобга тушириш мақсадларида хизмат кўрсатиш бўйича Шартнома тузишга бўлган расмий таклиф (оммавий таклиф) хисобланади.

Мижоз томонидан мазкур Оммавий оферта назарда тутилган ҳаракатларниң амалга оширилиши, унинг қўйида келтирилган шартлар билан (ҳеч қандай шартлар, чекловлар, истиснолар ва изоҳотларсиз) сўзсиз рози эканлигини англатади.

Мазкур Оммавий оферта билан назарда тутилган барча ҳолатларда Томонлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги, Банк ва Мижоз ўртасида тузилган шартномалар, шунингдек одатлар ва иш муомаласига (ишли муносабатларга) амал қилишади.

1. Қўлланиладиган атамалар

Мазкур ҳужжатда бош ҳарф билан ёзилган қўйидаги атамалар, қўйида келтирилган таърифлар билан қўлланилади:

Авторизация – Банк томонидан сўров юбориш ва шу сўровга юборувчининг Картаси ёки қабул қилувчи (олувчи)нинг Картаси, ёки унинг реквизитларидан фойдаланган ҳолда операцияни амалга ошириш учун Банк/Картанинг Банк-эмитентидан рухсат бериш ёки рад этиш кўринишида жавоб олиш жараёни шу сўровга жавоб олиниши жараёни.

Банк-эмитент – карта эмиссиясини амалга оширувчи Ўзбекистон Республикасининг кредит ташкилоти;

Банк-хамкор – Россиянинг “Мурманский расчетный центр” МЧЖ НКТ (ООО НКО “Мурманский расчетный центр”, Лицензия 3341-К);

Қабул қилувчининг ўтказма валютаси – Россия рубли ва бошқа хорижий валюта;

Амалдаги қонунчилик – Ўзбекистон Республикасининг амалдаги норматив-ҳукукий ҳужжатлари, айнан олганда эса қонунлар, қонуности ҳужжатлар, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг норматив ҳужжатлари ва қарорлари (фармойишлари, хатлари), ратификация қилинган халқаро шартнома ва битимлар;

Шартнома – Банк томонидан Қабул қилувчининг Картасига Ўтказмани хисобга тушириш бўйича хизматлар кўрсатиш шартлари тўғрисида шартнома бўлиб, Мижоз томонидан мазкур Оммавий офертани акцепт қилиш (шартларини қабул қилиш) бўйича ҳаракатларни амалга ошириш орқали тузилади.

Идентификация – Банк томонидан Мижозни қўшимча текшириш жараёни бўлиб, Картаси ёки қабул қилувчининг Картаси бўйича операцияларнинг фирибгарлик йўли билан амалга оширилиш хавфини камайтириш мақсадида 3DSecure, CVC2/CVV2/ППК2 код технологиялари орқали ўтказилади.

Юборувчининг картаси – Ўтказмани амалга оширишда, хисобварағидан пул маблағлари Комиссия билан биргалиқда хисобдан чиқариладиган (ешиб олинадиган) банк картаси;

Қабул қилувчининг картаси – Ўтказмани амалга оширишда, хисобварағига пул маблағлари кирим қилинадиган Мижознинг картаси;

Ўтказма (Перевод) – мазкур Шартнома тартиби ва шартларига мувофиқ Банк-ҳамкорнинг Жўнатувчининг картаси, Банқдаги Олувчининг картаси ва ҳисобварағи реквизитларидан фойдаланган ҳолда қабул қилувчи Мижоз Фармойишига биноан трансчегаравий пул ўтказмасини амалга ошириш бўйича Банк ва Банк-ҳамкорнинг биргаликдаги (кушма) хизмати.

Фармойиш – Мижознинг пул маблағларини Юборувчининг картасидан Олувчининг картаси ёки олувчининг картаси / ҳисобварағига пул маблағларини ўтказиш бўйича Мижознинг Банкка кўрсатмасини ўз очига олган, Мижоз томонидан “Капиталбанк” мобил иловасида шакллантирилган электрон хужжат;

Бошқа банк – Карта эмитенти бўлган, Банқдан бошқа Банк-эмитент;

CVC2/CVV2 код технологияси – Банк томонидан қўйидаги тартибда амалга ошириладиган Верификация усулларидан бири: Банк мижоздан CVC2 ёки CVV2 кодини сўрайди, Мижоз уни Ўтказманинг бошқа белгилари билан биргаликда экрандаги шаклда киритиши лозим; Банк Авторизация орқали олинган кодни текшириш учун Банк-ҳамкорга юборади; agar Авторизация натижасида Банк Карта бўйича операцияни амалга оширишга таъкиқ олса, шу жумладан CVC2/CVV2 код киритилмаган ёки нотўғри киритилган бўлса, Банк Ўтказмани амалга оширишда Мижозга рад этади;

3D Secure технологияси – халқаро тўлов тизимлари дастурларининг бир қисми бўлиб, Картанинг Банк-эмитенти томонидан ушбу банк томонидан белгиланган усулда Интернет тармоғидаги операцияни амалга оширувчи Мижозни аниқ идентификация қилиш ва картадан рухсатсиз фойдаланиш хавфини камайтириш имконини беради.

2. Умумий қоидалар

2.1. Мазкур Шартнома Банкнинг барча Мижозларга Шартнома тузишга бўлган оммавий таклифи ҳисобланади. Шартнома муайян битта Фармойишига нисбатан амал қиласди.

2.2. Банк томонидан Ўтказма хизматини кўрсатиш борасида Шартнома пул маблағларини Банк томонидан Олувчининг Картасига ҳисобга тушириш (кирим қилиш) қисмига амал қиласди.

2.3. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 370-моддасига мувофиқ, Шартномани тузиш (Оммавий офертани акцептлаш) далили бўлиб “Согласен с условиями оферты” (“Шартнома шартлари билан розиман”) опциясини (танловини) танлаш ва/ёки “Перевести” (“Ўтказиш”) ва/ёки “Продолжить” (“Давом этириш”) ёки “Капиталбанк” мобил иловасида фойдаланиладиган шаклдан келиб чиқсан ҳолда шу каби тутмачани (кнопка) босиш ҳисобланади.

2.3.1. Акцептни амалга ошириб, Мижоз қўйидагиларни тасдиқлаган ҳисобланади:

– Мазкур Офертанинг барча шартлари билан танишиб чиқсан ва улар қандай баён этилган бўлса шундай, хеч қандай шартлар, чекловлар ва изоҳотларсиз уларни қабул қиласди;

– ҳуқуқий/муомала лаёқатига эга ва ўзининг Банк билан шартномавий муносабатларга киришишга қонуний ҳуқуқини тасдиқлайди;

– Фармойища хаққоний, амалда бўлган ва тўлиқ маълумотларни кўрсатган.

2.3.2. Мазкур Оммавий оферта акцептланган пайтдан бошлаб, Шартнома тузилган ҳисобланади.

2.4. Шартноманинг тузилиши (тузилганлиги факти) факт заключения Банк томонидан электрон шаклда қайд этилади ва банкнинг аппарат-дастурий мажмуасида (комплексида) сақланади. Банкнинг аппарат-дастурий мажмуасидан кўчирмалар низоларни, шу жумладан суд тартибида кўриб чиқишида ишлатилиши мумкин.

3. Шартнома предмети

3.1. Банк Мижозга “Капиталбанк” мобил иловасидан фойдаланган ҳолда Ўтказмадан фойдаланиш имкониятини тақдим қиласи. Ўтказмани ижро қилиш жараёнида Банк қуидаги ҳаракатларни амалга оширади:

- Фармойишни қабул қиласи ва Авторизациянинг ижобий натижасидан сўнг унга ишлов беради;
- Олувчининг Картасига пул маблағларини кирим қиласи (хисобга туширади). Агар Олувчининг картаси Бошқа банк томонидан чиқарилган бўлса, Банк пул маблағларини Олувчининг картасига кирим қилиш бўйича Банк-эмитент (Бошқа банк) билан ўзаро ҳатти-ҳаракатларни амалга оширади.
- Ўтказма амалга оширилганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни электрон кўринишида шакллантиради.

4. Ўтказмани амалга ошириш шартлари

4.1. Банк Ўтказмани Шартнома шартлари ва Амалдаги қонунчилик талабларига мувофиқ, бир вактнинг ўзида қуидаги шартлар бажарилганда амалга оширади:

- 4.1.1. Олувчининг картаси Ўзбекистон Республикасининг резиденти бўлган Банк-эмитентлар томонидан эмиссия қилинган;
- 4.1.2. Банкда муайян Ўтказмани амалга ошириш учун техник имконият мавжуд;
- 4.1.3. Мижоз идентификация жараёнини муваффақиятли ўтди, агар Банк томонидан Идентификация сўралган бўшлса;
- 4.1.4. Банкда Карта бўйича операцияни амалга оширишга Авторизация натижасида олинган рухсат мавжуд бўлганда.

4.2. Агар Банк Ўтказма тўғрисидаги маълумотга ишлов бериш ва уни Ўтказмани амалга ошириш бўйича хисоб-китобларда иштирок этувчи Тўлов тизимида ва/ёки Банк-эмисентга узатиш бўйича техник имкониятга эга бўлмаса (алоқа каналлари билан техник муаммолар, Тўлов тизими ташаббуси билан Ўтказмани амалга ошириш бўйича хисоб-китобларнинг тўхтатиб турилиши ва бошқалар), Банк Мижозга йўтказмани амалга оширишни рад этиш хукуқига эга.

4.3. Агар Банкда операция жиной фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ва (ёки) оммавий қирғин куролини тарқатишини молиялаштириш максадларида амалга оширилаётганига шубҳа (гумон) пайдо бўлганда, шунингдек Амалдаги қонунчилик талаблари бузилганида ёки фирибгарлик характеристига эга бўлса, Банк бир тарафлама ва сабабларни тушунтиргмаган ҳолда Мижозга йўтказмани амалга оширишни рад этиш хукуқига эга.

4.4. Агар Карта Хисобвараги валютаси Ўтказма валютасидан фарқ қиласа, конвертация операцияга ишлов бериш кунига бўлган Банкнинг (айирбошлаш) курси бўйича амалга оширилади.

4.5. Банк Авторизация натижасида операцияни амалга оширишга рухсат олган бўлса ва Банк томонидан мазкур Шартноманинг 3-Бўлимидаги кўрсатилган ҳаракатлар амалга оширилган бўлса, бу ҳолатда Ўтказма бажарилган хисобланади.

4.6. Банк Ўтказма натижалари бўйича Мижозни “Капиталбанк” иловасининг Асосий экран шаклларига Ўтказма бажарилганлиги натижаси бўйича хабар чиқарип бериш орқали хабардор қиласи.

4.7. Пул маблағларининг кирим қилиниши (хисобга туширилиши) ўрнатилган тартибда Банк томонидан амалга оширилади.

4.8. Операция унсурларини (параметрларини) киритиш пайтида Мижоз томонидан йўл қўйилган ва пул маблағлари нотўғри Ўтказма суммаси, Ўтказма валютаси ёки нотўғри реквизитлар билан ўтказилишига олиб келган хатоликлар учун Банк жавобгарликка эга эмас.

4.9. Пул маблағларининг кирим қилиниши бошқа банкнинг айби билан муддатлар бузилиши ва мазкур Шартнома ва Амалдаги қонунчилик билан ўрнатилган бошқа талаблар бузилиши билан амалга оширилган ҳолатларда Банк жавобгарликка эга эмас.

4.10. Мижоз мазкур Оммавий оферта акцептлангунга қадар ёки Ўтказма унсурлари тасдиқлангунга қадар исталган пайтда хизматдан фойдаланишдан воз кечиш имкониятига эга.

4.11. Мазкур Оммавий офертани акцептлаш орқали, Мижоз Банкка қуидаги ҳуқуқларни тақдим этади:

– Мижознинг шахсга доир маълумотларига оид бўлган, шу жумладан Фармойишида кўрсатилган ҳар қандай ахборотга автоматизация воситаларидан фойдаланиб ёки улардан фойдаланмаган ҳолда ишлов бериш, шу жумладан Шартнома тузилиши сабабли Банкка тақдим этилган шахсга доир маълумотларни йиғиш, тизимлаштириш, жамлаш, сақлаш, йўқ қилиш, улардан фойдаланиш, тарқатиш (шу жумладан узатиш), эгасизлантириш, блоклаш (фойдаланишни таъқиқлаш), ўчириш ва Ўзбекистон Республикасининг “Шахсга доир маълумотлар тўғрисида”ги Қонунида назарда тутилган бошқа ҳаракатларни амалга ошириш;

– Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажариш учун Банкка зарур бўлган банк сири ҳисобланган маълумотларни, шунингдек қонун билан ҳимоя қилинадиган бошқа сирларни учинчи шахсларга тақдим этиш.

5. Томонларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

5.1. Банк қуидаги ҳуқуқларга эга:

5.1.1. Мазкур Шартнома ва/ёки Амалдаги қонунчилик билан ўрнатилган асосларда, шунингдек қуидаги ҳолатларда Мижозга Ўтказмани амалга оширишда рад этиш:

– Мижоз томонидан Ўтказмани амалга ошириш учун зарур бўлган, ҳаққоний бўлмаган маълумотлар тақдим этилган бўлса;

– Ўтказма жиной фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш мақсадида амалга оширилаётган бўлса;

– Штказма Амалдаги қонунчилик талаблари бузилган ҳолда (шу жумладан фирибгарлик мақсадларида) ёки Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан тақиқланган фаолиятни молиялаштириш мақсадида амалга оширилаётган бўлса;

– Ўтказма экстремистик фаолияти ёки терроризмга алоқадорлиги бўйича маълумотлар мавжуд бўлган олувчилар фойдасига амалга оширилаётган бўлса;

– Пул маблағларини юборувчи ва/ёки қабул қилувчи ёки наф олувчи БМТ нинг Хавфсизлик Кенгаши, Евropa Иттифоқи ва АҚШ Молия вазирлигининг Хорижий активларни назорат қилиш бўйича Бошқармаси (OFAC, Office of Foreign Assets Control) ёки АҚШ, ёки Буюк Британиянинг бошқа бошқарув органининг санкциялар рўйхатларида мавжуд шахс бўлса (бундан кейин “Санкциядаги шахс”) ёки пул маблағлари Санкциядаги шахснинг номидан ёки топшириғига биноан жўнатилгаётган бўлса.

5.1.2. Мазкур Оммавий оферта шартларига бир тарафлама ўзгаришилар киритиши. Киритилган ўзгаришлар, улар Банк сайтида ёки “Капиталбанк” мобил иловасида жойлаштирилганидан кейинги 10 (Ўн) календар кунидан сўнг Банк ва Мижоз учун мажбурий бўлиб ҳисобланади.

5.1.3. Мазкур Оммавий офертани техник, ташкилий, ташкилий, юридик ва бошқа сабаблар туфайли номуайян муддатга муддатидан олдин чақириб олиш.

5.1.4. Ўтказма амалга оширилиши туфайли Банкка маълум бўлиб қолган Мижознинг шахсга доир маълумотларини ва Карта унсурларини ўтказма амалга ошганидан кейинги 5 (Беш) йил давомида сақлаш ва ишлов бериш.

5.2. Банк қуидаги мажбуриятларга эга:

5.2.1. Хизматни мазкур Шартнома билан ўрнатилган миқдорларда ва муддатларда тақдим этиш;

5.2.2. Мазкур Оммавий офертани Банк сайтида ёки “Капиталбанк” мобил иловасида жойлаштириш;

5.2.3. Мижозларнинг кўрсатилган хизмат сифати бўйича эътиrozларини кўриб чиқиши;

5.2.4. Банк сайти ёки “Капиталбанк” мобил иловасининг Асосий экран шаклларига тегишли хабарни чиқариб бериш орқали Мижозни пул маблағлари ўтказмаси бўйича хабардор қилиш;

5.2.5. Сайт ёки “Капиталбанк” Мобил иловасида жойлаштириладиган, Ўтказмани амалга ошириш учун бўлган дастурий-техник воситалардан фойдаланиш бўйича МИжоз ва Банкнинг ҳатти-ҳаракатлари бўйича низолар (даъволар)ни ҳал этишда, далил сифатида Банкнинг техник қурилмалари ва дастурий таъминотида қайд этиладиган Мижознинг ҳатти-ҳаракатлари ва шу сабабли рўй берган ҳодисалар протоколларини қўллаш.

5.3. Мижоз қўйидаги хуқуқларга эга:

5.3.1. Кўрсатилган хизмат сифати бўйича бўйича эътиrozни Банкка хизмат кўрсатилган санадан кейинги 30 (Ўттиз) календар кунидан кечикмасдан юбориш.

5.4. Мижоз қўйидаги мажбуриятларга эга:

5.4.1. Ўтказмаларни тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ёки хусусий амалиёт учун амалга оширмаслик;

5.4.2. Операцияларни Шартномада ўрнатилган тартибда, ва Карта сифатида қатъий равишида, фақатгина шахсий (ўзига тегишли) Карталаридан фойдаланган ҳолда амалга ошириш;

5.4.3. Оммавий оферта акцептига қадар, унинг шартлари билан ўз вақтида ва тўлиқ танишиб чиқиши;

5.4.4. Банкка жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ва (ёки) оммавий қирғин қуролини тарқатишини молиялаштириш бўйича қонунчилик ижросини таъминлаш мақсадларида зарур бўладиган маълумотларни, шу жумладан ўзининг наф олувчилари ва бенефициар мулкдорлари (эгалари) тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиши;

5.4.5. Бангк томонидан Пул маблағларини Олувчининг картасига кирим қилишда сўраладиган маълумотларни ҳаққоний тақдим этиши;

5.4.6. Мазкур Орертани акцептлашдан аввал, унинг амалдаги таҳрири билан танишиб чиқиши.

6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ ВА НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

6.1. Томонлар мазкур Оферта доирасида ўз мажбуриятларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун Амалдаги қонунчилик ва Банк ҳамда Мижоз ўртасида тузилган шартномаларга мувофиқ жавобгарликка эга.

6.2. Мазкур Шартнома Амалдаги қонунчилик билан тартибга солинади ва талқин қилинади.

6.3. Мазкур Шартнома ёки унга боғлик равишида келиб чиқадиган барча низо, келишмовчиликлар ва талаблар Томонлар тарафидан ўзаро музокараларни олиб олиш орқали ҳал қилинади. Музокаралар орқали келишув (розилик) мавжуд бўлмаганда, низолар ва келишмовчиликлар “Капиталбанк” АТБ Ягона филиалида Жисмоний шахсларга комплекс банк хизматлари кўрсатиш Қоидаларида назарда тутилган тартибда кўриб чиқилиши лозим.

7. БАНК МАНЗИЛИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

Индекс: 100047, Ўзбекистон Республикаси

Тошкент ш., Сайилгоҳ кўчаси, 7.

Тел.: +998 78 200-15-15, +998 78 148-40-05

Эл. Манзил (E-mail): info@kapitalbank.uz, сайт www.kapitalbank.uz